

SUMMARIZING THE RESULTS OF THE AUDIT: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Meliyev Isroil Ismoilovich,
Tashkent Institute of Finance
Independent researcher of the "Audit" department.
Tashkent, Uzbekiston. Email: melievisroil1981@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0976-7406

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Мелиев Исроил Исмоилович,
Тошкент молия институтини "Аудит" кафедраси мустақил изланувчиси.
Тошкент, Ўзбекистон. Email: melievisroil1981@gmail.com
ORCID: 0000-0002-0976-7406

JEL Classification: M1, M4, M42

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон амалиётида аудиторлик текшируви натижаларини ҳужжатларда умумлаштириши масалаларига бағишланган бўлиб, унинг кириши қисмида Республикада аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириши мақсад ва вазифалари, мазкур соҳада тадқиқот олиб бориши долзарблигининг моҳияти очиқ берилган. Мақоланинг "мунозара" қисмида ушбу мавзуда илмий тадқиқотлар олиб борган иқтисодчи олимлар томонидан билдирилган фикрлар, улар илмий қарашлари ва муаллиф илмий гояларидан улар фикрларининг фарқли жиҳатлари назарий фикрлар асосида ёритиб берилган. Бунда, мақола мавзуси бўйича тадқиқот олиб борган ҳар бир иқтисодчи олимнинг гоялари акс эттирилган манбалар батафсил акс эттирилган. Шунингдек, мақола мазмунини ёритишда қандай тадқиқот методлари қўлланилганлиги, мавзу бўйича таҳлил этилган кўрсаткичлар ва эришилган илмий натижалар асосида қабул қилиниши мумкин бўлган қарорлар моҳияти очиқ берилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, аудиторлик текшируви натижаларини ҳужжатларда умумлаштириши ва баҳолаш тартиби ва мазкур жараёнда бажариладиган амаллар, аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштиришида тузиладиган ҳужжатлар мазмуни ва ушбу ҳужжатлар таркиби, уларнинг реқвизитлари, аудиторлик текширувларини сифатли умумлаштиришида муаллиф томонидан тавсия этилган ҳужжат шакли ва бу ҳужжатлар мазмуни муаллиф илмий изланишлари асосида баён этилган.

Мақола муаллифи ўтказилган тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон аудиторлик амалиётида аудиторлик текшируви натижаларини ҳужжатларда умумлаштириши жараёнида ўз ечимини қутаётган қатор муаммолар мазмунини тавсифлаб, уларни ижобий ҳал этиши юзасидан амалий тавсиялар шакллантирган. Мақола мавзуси мазмунини ёритишда фойдаланилган адабиётларга ўрнатилган тартиб асосида иқтибослар келтирилган. Мақола яқунда

тадқиқотчи томонидан мавзу доирасида илмий ва амалий хулосалар умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар берилган. Мақоланинг шакл ва мазмунини шакллантиришда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ўрнатилган тартиб асосида акс эттирилган.

Abstract. This article is devoted to the issues of summarizing the results of audits in documents in the practice of Uzbekistan, and the purpose and tasks of summarizing the results of audits in the Republic, as well as the relevance of conducting research in this field, are revealed in its introduction. In the "discussion" part of the article, the opinions expressed by the economists who conducted scientific research on this topic, their scientific views and the aspects of their opinions different from the author's scientific ideas are highlighted on the basis of theoretical opinions. In this, the sources reflecting the ideas of every economist who conducted research on the topic of the article are detailed. Also, what research methods were used to cover the content of the article, the essence of the decisions that can be made based on the indicators analyzed on the topic and the achieved scientific results are revealed.

According to the results of the research, the procedure for summarizing and evaluating the results of the audit inspection in documents and the actions performed in this process, the content of the documents prepared when summarizing the results of the audit inspection and the content of these documents, their requisites, the form of the document recommended by the author for qualitative summarization of audit inspections and the content of these documents are the author's scientific research based on.

Based on the results of the research, the author of the article described the

content of a number of problems awaiting their solution in the process of summarizing the results of the audit in the audit practice of Uzbekistan, and formulated practical recommendations for their positive solution. Citations are given based on the procedure established in the literature used to cover the content of the topic of the article. At the end of the article, the researcher summarized the scientific and practical conclusions within the topic and gave relevant recommendations. The list of literature used in forming the form and content of the article is reflected based on the established order.

Калим сўзлар. Аудит натижалари, аудиторлик хулосаси, оралиқ аудиторлик маълумотномаси, умумий аудиторлик маълумотномаси, аудиторлик текшируви, молиявий ҳисобот аудити, аудиторлик далиллар

Key words. Audit results, audit report, interim audit report, general audit report, audit review, financial statement audit, audit evidence

Кириш. Хорижий мамлакатларда иқтисодийнинг глобаллашуви шароитида аудиторлик текшируви якуний босқичини халқаро стандартлар асосида ташкил этишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Халқаро аудиторлик амалиётида олиб борилган тадқиқотларда асосан аудиторлик текширувини ташкил этишнинг тартиб-таомиллари, аудиторлик риски ва муҳимлик даражаларини аниқлаш ҳамда рискни пасайтириш йўллари ишлаб чиқилган, ишончли аудитор фикрини шакллантиришда далиллар етарлилигини баҳолаш ва текширув натижаларини умумлаштириш масалалари, АХС (аудитнинг халқаро стандартлари) талабларига мос келувчи аудиторлик

хулосасини шакллантириш масалалари илмий жиҳатдан асосланган. Мазкур тадқиқотлар натижасида АҚШнинг умумқабул қилинган принциплари (GAAP), молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва ХАС қоидаларини ўзаро мувофиқлаштиришга эришилиб, аудиторлик хулосасининг стандарт шакллари ҳамда аудит ўтказиш услубияти тавсия этилган. Бироқ, юқоридагиларга қарамасдан ҳозирги жаҳон аудиторлик амалиётида халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви натижаларини хужжатлаштириш масалалари комплекс тарзда ўрганилмаганлиги бу борада чуқур илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Мунозара. Аудиторлик текширувининг яқуний босқичини такомиллаштириш масалалари хориж олимларидан А.Аренс, Дж.Лоббек, Р.Адамс, Дж.Робертсонлар [1], МДХ мамлакатлари иқтисодчи-олимларидан П.И.Камышанов, А.А.Терехов, В.П.Суйц ва А.Д.Шеремет [2] ва бошқаларнинг илмий ишларида батафсил ёритилган. Бу борада республикамиз олимларидан Р.Д.Дусмуратов, З.Т.Маматов ва И.Н.Қўзиевлар [3] аудит натижаларини умумлаштириш масалалари бўйича тадқиқотларни амалга оширган. Бироқ, аудит бўйича маҳаллий адабиётларда аудит натижаларини умумлаштириш билан боғлиқ масалалар етарли даражада ёритилмаган. Олиб борилган аксарият тадқиқот натижалари аудиторлик текширувини режалаштириш ва аудиторлик хулосасини тайёрлаш масалаларига бағишланган.

Амалдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунда "кўрсатилган аудиторлик хизматлари натижаларининг

тегишли равишда хужжатлаштирилиши" [4] аудиторлик ташкилоти иши сифатининг асосий кўрсаткичлари сифатида баҳоланиши белгиланган. Бироқ, мазкур қонунда аудиторлик текшируви аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланиб, аудиторлик хулосасини тузгунга қадар расмийлаштириладиган иш хужжатлари тўғрисидаги меъёрлар аниқлаштирилмаган.

Иқтисодчи олим И.Н.Қўзиевнинг таъкидлашича, "иқтисодиётни модернизatsiya қилиш шароитида аудиторлик хулосасини тузиш ва умумлаштириш кучли методологик ёндашувни талаб қилади ва йиғма хужжатлар маълумотларининг ўзаро мувофиқлиги таъминланади" [5].

"Бухгалтерия ва солиқ солиш" журнали амалиётчи мутахассислари томонидан аудиторлик хулосасини шакллантириш масалалари [6] тадқиқ этилган.

Иқтисодиёт фанлари доктори Р.Д.Дусмуратов томонидан "аудит натижаларини баҳолаш..." [7] жараёнида бажариладиган аудиторлик амаллар мазмуни аниқлаштирилган.

Иқтисодчи олим Н.Хажимуратовнинг фикрича "аудиторлик хулосасини шакллантириш катта ҳажмдаги турли-туман ахборотни қайта ишлаш натижаси саналиб, унга асосланган ҳолда молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида фикр юритиш мумкин" [8].

Амалдаги "Аудиторлик хужжатлари" номли 230-сон аудиторлик халқаро стандартининг иловаси [9] да аудиторлик текшируви натижалари хулоса ва шу каби хужжатларда умумлаштирилиши белгиланган бўлсада,

бирок мазкур стандартда текширув натижалари акс эттириладиган ҳужжатларнинг номлари умумий ва мавҳум мазмунда баён қилинган.

Материал ва метод. Тадқиқот давомида назарий ва амалий ўрганиш, тизимли ёндашув, гуруҳлаш, таққослама таҳлил, кузатув, статистик таҳлил, омилли таҳлил қилиш усулларидан самарали фойдаланилган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида аудиторлик аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштирувчи ҳужжатлар тизимини туркумлаш ва натижаларини умумлаштиришни такомиллаштириш, аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолашга таъсир этувчи омиллар таъсирини ҳисоблаш ва аудиторлик текшируви натижаларига асосан ишончли аудиторлик хулосасини шакллантиришга қаратилган.

Натижалар. Маълумки, текширувнинг энг муҳим босқичларидан бири бу унинг якуний босқичидир. Чунки мазкур босқичда, текширув натижалари ҳужжатларда умумлаштирилиб, аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудиторлик хулосаси шакллантирилади. Бизнингча, аудиторлик текширувининг якуний босқичи жараёнларини қуйидаги 4 босқичда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш.

2. Аудиторлик хулосасини тузиш ва тасдиқлаш.

3. Аудиторлик хулосасини шакллантириш ва расмийлаштириш.

4. Аудиторлик хулосасини мижоз раҳбариятига тақдим этиш.

Иқтисодиёт фанлари доктори Р.Д.Дусмуратовнинг таъкидлашича, "аудит натижаларини баҳолаш ишлари асосан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ✓ ишчи ҳужжатларни шарҳлаш ва якуний ишчи ҳужжатларни тайёрлаш;
 - ✓ аниқланган камчиликларнинг жиддийлик даражасини баҳолаш;
 - ✓ аудиторлик далилларнинг етарлигини баҳолаш;
 - ✓ фаолият кўрсатаётган корхона фаолият хусусиятлари билан боғлиқ омилларни баҳолаш;
 - ✓ молиявий ҳисоботдаги ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш;
 - ✓ ҳисобот тузилганидан сўнг содир бўлган ҳодисаларни баҳолаш;
 - ✓ текширув натижалари бўйича аудиторнинг мижоз-корхона раҳбариятига тақдим қиладиган ёзма ахборотини тузиш;
 - ✓ аудиторлик хулосасини тузиш"
- [10].

Тадқиқотлар натижасида аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш жараёни қуйидаги 1-жадвалда келтирилган босқичлар ва амаллар асосида амалга оширилса аудиторлик текширувининг самарадорлиги янада ошади.

1-жадвал

Аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш амаллари¹

№	Умумий вазифалар	Бажариладиган аудиторлик амаллари
1	Аудиторлик далилларининг етарлиги, улардаги	- Аудиторлик умумий режаси ва дастурида белгиланган ҳар бир вазифа бўйича тўпланган далилларнинг етарлигини таҳлил қилиш;

¹ Муаллиф томонидан тайёрланган

	ахборотлар мазмунининг тўлиқ очиб берилганлиги ва уларнинг ишончлилигини баҳолаш	<ul style="list-style-type: none"> - Тўпланган далилларни ўрнатилган тартибга мувофиқ шакл ва мазмундаги ҳужжатлар асосида тасдиқланганлигини ўрганиш; - аниқланган камчиликлар юзасидан моддий-жавобгар шахслардан аниқланган ҳолат бўйича зарур тушунтиришлар олиш; - Тўпланган далилларни миждознинг ўзаро боғлиқ тарафлари ёки учинчи шахслар маълумотлари билан солиштириш.
2	Текширилган миждоз фаолияти билан боғлиқ омилларни ўрганиш ва уларнинг миждоз молиявий ҳисоботида таъсирини баҳолаш	<ul style="list-style-type: none"> - Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир килувчи ички ва ташқи омиллар таъсирини баҳолаш; - Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятининг ташкилий ва таркибий тавсифига оид омилларни ўрганиш.
3	Молиявий ҳисоботдаги ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш ҳолатини ўрганиш	Миждознинг молиявий ва статистик ҳисоботларидаги кўрсаткичларнинг амалдаги бирламчи ҳужжатлар маълумотларига мослиги, тўғрилиги ва ўз муддатида фойдаланувчиларга тақдим этилганлигини ўрганиш ва баҳолаш.
4	Молиявий ҳисобот тузилганидан сўнг содир бўлган ҳодисаларни баҳолаш	<ul style="list-style-type: none"> - Миждоз молиявий ҳисоботларида кутилмаган фойда даромад сифатида кўрсатилмаганлигини ўрганиш; - Миждоз молиявий ҳисоботида кутилмаган ҳолатларни тавсифловчи ахборотнинг мазмуни, уларни келгусидаги натижаларга таъсири, молиявий таъсирни баҳолаш ёки бундай баҳолаш ўтказиш мумкин эмаслиги бўйича ахборотларнинг очиб берилганлигини ўрганиш; - Хўжалик юритувчи субъект томонидан кутилмаган вазиятларнинг оқибатлари ва уларнинг миждоз молиявий натижаларига таъсирини объектив баҳоланганлигини ўрганиш; - Миждоз молиявий ҳисоботидаги фавқулодда зарарларнинг мавжудлиги ва уларни молиявий ҳисоботларда мажбурият сифатида тўлиқ очиб берилганлигини ўрганиш.
5	Тўпланган далиллар асосида оралик текширув натижаларини аудиторлик иш ҳужжатларида умумлаштириш	<ul style="list-style-type: none"> - Тўпланган далиллар асосида оралик аудиторлик маълумотномасини расмийлаштириш; - Оралик аудиторлик маълумотномалари асосида ҳар бир текширув объекти бўйича умумий аудиторлик маълумотномасини тайёрлаш ва расмийлаштириш
6	Аниқланган камчиликларнинг муҳимлик даражасини баҳолаш	<ul style="list-style-type: none"> - Расмийлаштирилган аудиторлик маълумотномаларидаги камчиликларни пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилиш; - Аудиторлик маълумотномаларида акс этирилган камчиликларни пулда ифодалаш ва уларни миждоз молиявий натижаларига таъсирини баҳолаш; - Текширувда аниқланган камчиликларни пайдо бўлиш сабаблари ва уларни тузатиш ҳамда келгусида такрорланмаслиги юзасидан тегишли амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.
7	Текширув натижалари бўйича аудиторнинг миждоз раҳбариятига ёзма ахборот хатини тайёрлаш ва тақдим этиш	<ul style="list-style-type: none"> - Аудиторлик гуруҳи раҳбари томонидан текширувда аниқланган камчиликларни пайдо бўлиш сабаблари ва уларни тузатиш ҳамда уларни келгусида такрорланмаслиги юзасидан миждоз раҳбариятига ёзма ахборот хатини тайёрлаш; - Аудиторнинг аудитни ўтказиш натижалари бўйича ёзма тақдимномани тайёрлаш ва миждоз раҳбариятига тақдим этиш.
8	Халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик ҳулосасини тайёрлаш ҳамда миждоз раҳбариятига тақдим этиш	<ul style="list-style-type: none"> - Аудитнинг халқаро стандартларида келтирилган шакл ва мазмундаги аудиторлик ҳулосаси таркибий қисмларини шакллантириш ва тасдиқлаш; - Аудиторлик ҳулосаси тақдим этилишидан аввал, миждоз раҳбариятидан 580-сон "Ёзма тақдимномалар" номли халқаро аудит стандартига мувофиқ расмий тақдимнома хат олиш; - Аудитнинг халқаро стандартларида келтирилган шакл ва мазмундаги аудиторлик ҳулосаси шаклини тайёрлаш ва расмийлаштириш; - Тузилган ҳулосасининг нусхаларини миждоз раҳбариятига

Аудиторлик текшируви жараёни оралиғида тузиладиган иш хужжатларнинг мазмуни ва шакли аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари талаблари асосида тартибга солиниши сабабли айниқса, бу ҳолат ички стандартлар талаб даражасида ишлаб чиқилмаслиги натижасида амалиётда айрим аудиторлик ташкилотлари томонидан текширувнинг оралиқ хужжатлари шакли ва мазмуни талаб даражасида расмийлаштирилмаслиги оқибатида текширувларни айрим ҳолларда сифатсиз ўтказилишига олиб келмоқда. Бу эса аудиторлик текшируви босқичлари натижаларини аниқ шакл ва мазмундаги хужжатда акс эттириш услубиятини такомиллаштиришни тақозо этади.

Бизнингча, аудит босқичлари натижаларини текширув ҳажми, корхонанинг текширилаётган объекти хусусиятлари ва текширувда аниқланган камчиликларнинг жиддийлик даражасига асосланган ҳолда “аудиторлик маълумотномаси” деб номланган хужжатда акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Бу борада МДХ давлатлари аудиторлик амалиётига эътибор қаратсак, Уларнинг аксариятида (Россия, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Молдова) оралиқ аудиторлик текшируви натижалари “далолатнома” ёки “акт” деб номланган ишчи хужжатда акс эттирилса, Республикамиз амалиётида “хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 31-бандига мувофиқ “Текширишлар натижалари

далолатнома (маълумотнома) билан, зарур ҳолларда эса аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатма билан ҳам расмийлаштирилади” дейилган. Фикримизча, “далолатнома” назорат амалиётида одатда тафтиш тартибидаги текширувлар жараёнида тузилиб, унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки назорат қилувчи орган томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ жавобгарлик (хайфсан, огоҳлантириш, жарима ва пеня, лавозимни ўзгартириш) чоралари далолатномада қатъий қарор шаклида кўрсатилади. Бу эса аудиторлик фаолиятининг мустақиллик ва холислик тамойилларига зид ҳисобланади [12]. Шунингдек, Ўзбекистон аудиторлик амалиётида амалда бўлган “Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун ҳамда амалдаги аудиторлик фаолиятининг халқаро стандартларида ҳамда аудитга оид ўқув адабиётларида аудиторлик текширувининг оралиқ натижалари қандай шакл ва мазмундаги хужжатда акс эттирилиши лозимлиги аниқ кўрсатилмаган. Фақатгина Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 29 декабрда 1650-сон билан рўйхатга олинган “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида Низом”нинг 31-бандида “Текширишлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан, зарур ҳолларда эса - аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатма билан ҳам

расмийлаштирилади” дейилган. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда, бизнингча, текширилаётган корхонада текширилган объект(муомала)ларнинг кўлам(ҳажм)ига мувофиқ аудитор томонидан текширув натижалари қуйидаги икки ҳужжатда умумлаштирилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1.Оралиқ аудиторлик маълумотномаси;

2.Умумий аудиторлик маълумотномаси.

Бунга мисол ўрнида товар-моддий заҳиралар аудити натижалари умумий аудиторлик маълумотномасида акс эттирилса, товар-моддий заҳиралар таркибига кирувчи товар, тайёр маҳсулот, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар аудити натижалари бўйича оралиқ аудиторлик маълумотномаси тузишни тавсия этамиз. Бунда барча оралиқ аудиторлик маълумотномаси маълумотлари асосида умумий аудиторлик маълумотномаси тузилиши ва уларда тўпланган далиллар илова қилинган ҳолда расмийлаштирилиши шарт, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги аудиторлик фаолиятига оид қонун ва

қонуности ҳужжатларда ва ўқув адабиётларида аудиторлик текшируви оралиғида тузиладиган иш ҳужжатларининг мазмуни, шакли ва уларни расмийлаштириш тартиби қатъий белгилаб берилмаганлиги, қонун ҳужжатларида белгиланган намунавий шакл ва мазмундаги ҳужжатларда акс эттирилмаслиги оқибатида аудит натижаларини тўлиқ ва аниқ ҳужжатлаштирилмаслигига сабаб бўлади. Биз юқоридаги масалага аниқлик киритиш мақсадида, аудиторлик текширувининг оралиқ натижаларини “аудиторлик маълумотномаси” деб номланган ҳужжатда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Тадқиқотлар натижасида мазкур жараённи такомиллаштириш мақсадида “аудиторлик маълумотномаси”нинг намунавий шакли ишлаб чиқилди ва ушбу намунавий шаклдан фойдаланиш бўйича 230-сон «Аудиторлик ҳужжатлари” номли халқаро аудит стандартига қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритиш тавсия этилди (- жадвал).

2-жадвал

**АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА №__ АУДИТОРЛИК
МАЪЛУМОТНОМАСИ ²**

(аудиторлик текшируви объекти ва мавзуси)

Текширув даври: “__” _____ 20 19 дан “__” _____ 20 19 гача

(маълумотнома тузилган жой ва сана)

Текширув мақсади ва предмети: _____
(Аудиторлик умумий режаси ва дастурининг №__ - бандларига мувофиқ)

Текширув ўтказган аудиторлик гуруҳи таркиби:

Аудиторлик гуруҳи раҳбари _____

² Муаллиф томонидан тайёрланган



(лавозими) Аудиторлик гуруҳи аъзоси	(фамилияси, исми ва шарифи)
(лавозими) Аудиторлик гуруҳи аъзоси	(фамилияси, исми ва шарифи)
(лавозими)	(фамилияси, исми ва шарифи)

Аудиторлик текшируви шакли: _____
Қўлланилган аудиторлик текширув усуллари: _____

Аудиторлик текшируви жараёнида ўрганилган масалалар:

1. _____
2. _____
3. _____

.....

Текширув объектлари тўғрисида қисқача маълумот:

.....

Аудиторлик текшируви қуйидагилар гувоҳлигида ўтказилди:

1. _____
(корхонадаги масъул шахснинг фамилияси, исми ва шарифи ҳамда лавозими)
2. _____
(корхонадаги масъул шахснинг фамилияси, исми ва шарифи ҳамда лавозими)

.....

Аудиторлик текшируви жараёнида қуйидагилар аниқланди:

№1 масала бўйича: _____

№2 масала бўйича: _____

.....

Текширилган масалалар бўйича текширув натижасининг қисқача баёни(ҳар бир текширув объекти натижаси алоҳида баён этилиши лозим):

.....

Текширув натижаси бўйича якуний хулоса:

(Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ аниқланган камчиликнинг жиддийлик даражаси(камомад суммаси ёки қоидабузарлик даражаси мазмуни))

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ёки келгусида такрорланмаслиги юзасидан берилган таклифлар(ҳар бир аниқланган камчилик юзасидан таклифлар алоҳида баён этилиши лозим):

1. _____
 2. _____
-

ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИЛИГИ ВА ИШОНЧЛИЛИГИНИ ТАСДИҚЛАЙМИЗ:

Аудиторлик гуруҳи раҳбари

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(фамилияси, исми ва шарифи)
Аудиторлик гуруҳи аъзоси		
_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(фамилияси, исми ва шарифи)
Аудиторлик гуруҳи аъзоси		
_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(фамилияси, исми ва шарифи)

.....

Маълумотнома мазмуни билан танишдим ва нусхасини олдим(текширув объекти учун корхонадаги масъул шахс):

_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(фамилияси, исми ва шарифи)
_____	_____	_____
(лавозими)	(имзо)	(фамилияси, исми ва шарифи)

.....

Маълумотномада келтирилган фикрларга норози ва унинг нусхасини олишдан бош тортган масъул шахс (масъул шахс норози бўлган тақдирда тўлдирилади):

_____ (лавозими)

Текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотнома текширилаётган хўжалик юритувчи субъектга топширилган кун текширишни ўтказиш тугаган кун ҳисобланади. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект тешириш натижалари тўғрисидаги маълумотномани олишдан бош тортганда, аудиторлик гуруҳи раҳбари бу ҳақда текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотномага тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади. Бу ҳолда текшириш натижалари тўғрисидаги маълумотноманинг бир нусхаси хўжалик юритувчи субъектга почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Маълумотномада юқоридаги талабларнинг мазмуни аниқ ва батафсил баён этилиши лозим. Уларда текширувнинг бориши ва унинг натижалари етарли даражада ва тўлиқ мазмунда акс этирилиши шарт. Бироқ амалиётда аудиторлар текширув натижалари акс этирилган ҳужжатларда барча талаб қилинадиган шартлар ҳар доим ҳам акс этирилавермайди.

_____ (фамилияси, исми ва шарифи)

Аудиторлик гуруҳи раҳбари тузилган аудиторлик маълумотномаларда юқоридаги каби ҳолатларнинг йўқлигини назорат қилиши, агарда камчиликлар мавжуд бўлган тақдирда аудиторлик гуруҳи раҳбари маълумотномада хатолар ёки камчиликларни тузатиши ва тегишли далиллар етарли даражада тўпланганидан сўнг маълумотномаларни қабул қилиб олиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, аудиторлик маълумотномаси камида 2 нусхада тузилиши ва уларга текширув объектлари бўйича тўпланган далиллар ҳам ҳар бир маълумотномага камида бир нусхадан илова қилиниши шарт. Унинг барча нусхалари текширувни ўтказган аудитор ёки аудиторлик гуруҳи раҳбари томонидан имзоланиши лозим. Ўз навбатида ўрнатилган тартибда тасдиқланган маълумотнома аудиторлик ҳулосасини тайёрлашда асос сифатида фойдаланилади. Бироқ аудиторлик амалиётида кўпинча оралик аудит натижалари 1 нусхадан иборат бўлган ҳужжатларда тузилади ёки оралик

аудиторлик текширувининг
натижалари стандарт мазмун ва
шаклдаги ҳужжатларда
умумлаштирилмаслик ҳолатлари кўп
учрайди.

Бугунги кунда аудиторлик
текширувлари жараёнида мижозлар
томонидан аудиторларга молиявий
ҳисобот кўрсаткичларининг
ишончлилигини тавсифловчи барча
ҳужжатларни атайлаб ёки билмасдан
тўлиқ ва ўз муддатида тақдим
этилмаслик ҳолатлари кўплаб

кузатилмоқда. Бу эса, айрим ҳолларда
мижоз томонидан далиллар тўлиқ тақдим
этилмаслиги оқибатида аудиторлик
ташкilotи томонидан мижоз фаолиятига
ишончсиз ёки асоссиз хулоса ёки баҳо
берилишига сабаб бўлмоқда.

Биз изланишлар натижасида
аудиторлик текшируви якунида
аудиторлик гуруҳи раҳбари томонидан
“аудиторлик текшируви тўлиқ
яқунланганлигини аниқлаш бўйича
саволнома” ўтказишни тавсия этамиз (3-
жадвал).

3-жадвал³

Аудиторлик текшируви тўлиқ яқунланганлигини аниқлаш бўйича саволнома				
Мижоз-корхона номи:	“UZKABEL” акциядорлик жамияти			
Шартнома №	Аудиторлик ташкilotи раҳбари:		Текширув яқунланган сана:	
Аудиторлик шартномаси ва хулосасини тақдим этиш санаси	Аудиторлик гуруҳи аъзолари:		Текширув ўтказилган муддат давомийлиги	
№	Савол	Жавоб	Эслатма	
Умумий саволлар				
1	Аудиторлик ташкilotи мутахассисларининг умумий фикрини шакллантиришни талаб қилувчи барча саволлар ҳал этилдимми?	Ҳа/Йўқ		
2	Аудиторлик шартномасида кўзда тутилган барча хизматлар кўрсатилдимми?	Ҳа/Йўқ		
3	Аудиторлик текшируви тасдиқланган умумий режа ва дастурга мувофиқ ўтказилдимми?	Ҳа/Йўқ		
Аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш ва баҳолаш				
1	Мижоз-корхонадан барча текширув объектларига доир расмий тушунтириш хатлари, жумладан, амалга оширилган хўжалик муомалаларининг қонунга мувофиқлигига оид хатлар олиндимми?	Ҳа/Йўқ		
2	Аудиторлик текшируви объектлари бўйича текшируви натижаларининг батафсил таҳлили яқунландимми?	Ҳа/Йўқ		
3	Мижоз-корхона фаолиятига оид мавжуд барча муаммоли масалалар таҳлил этилиб, уларни бартараф этиш ёки қайта такрорланмаслиги юзасидан амалий тавсиялар шакллантирилдимми?	Ҳа/Йўқ		
4	Барча аудиторлик иш ҳужжатлари белгиланган шакл ва мазмунда тасдиқландимми?	Ҳа/Йўқ		
5	Аудиторлик хулосаси ва хулосасининг ишончлилигини асословчи барча аудиторлик далиллари тўпландимми?	Ҳа/Йўқ		
Текширув натижаларини мижоз-корхонага тақдим этиш				
1	Мижоз-корхона раҳбарияти учун текширув яқунлари бўйича расмий ёзма ахборот тайёрландимми, текширув натижалари бўйича	Ҳа/Йўқ		

³ Муаллиф томонидан тайёрланган

	оптимальная форма и варианты структурированы?		
2	Аудиторский отчет ХАС-а должен быть определенная форма и содержание утверждено, утверждено?	Да/Нет	
3	Микро-предприятие сообщением аудиторский отчет должен быть определенная форма и содержание утверждено?	Да/Нет	
4	Микро-предприятие сообщением аудиторский отчет должен быть определенная форма и содержание утверждено?	Да/Нет	
5	Микро-предприятие с отчетом-книжкой для учета обязательно должен быть определенная форма и содержание утверждено?	Да/Нет	
6	Все проверки объектов от предприятия документы и аудиторский отчет должны быть утверждены микро-предприятием?	Да/Нет	

ХУЛОСА

Тегириш белгиланган муддат ва тартиблар асосида ўтказилди/ўтказилмади

Тавсия этилган форма ва мазмундаги мазкур саволноманинг аҳамияти шундаки, якуний босқичда аудиторлар томонидан амалга оширилган барча аудиторский амалларини тўлиқ ҳажмда бажарилганлиги, тузиладиган ва микро-предприятига тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳолатини аниқлаш ҳамда бажарилмай қолган баъзи амалларни якунлаш имконини беради.

Хулоса. Фикримизча аудиторский текшируви натижалари оралиқ ва умумий аудиторский маълумотномалари номли иш ҳужжатларида акс этирилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур ҳужжатлар амалдаги 230-сон "Аудитни ҳужжатлаштириш" номли халқаро стандарт меъёрлари асосида умумлаштирилиши ва бу ҳужжатларда ўтказилган текширув даври, предмети, текширув натижалари, текширувни амалга оширганлар ва текширув натижалари бўйича текширув буюртмачиси моддий-жавобгар шахсларининг эътирозлари аниқ мазмунда акс этирилиши зарур.

Бизнингча, аудиторский текшируви якунида аудиторский гуруҳи раҳбари

томонидан "аудиторский текшируви тўлиқ якунланганлигини аниқлаш бўйича саволнома" о'тказилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур саволномада текширувнинг якуний босқичида аудиторлар томонидан амалга оширилган барча аудиторский амалларини тўлиқ ҳажмда бажарилганлиги, текширув жараёнида тузиладиган ва микро-предприятига тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳолатини аниқлаш ҳамда бажарилмай қолган баъзи амалларни якунлаш имкониятлари бўлиши мақсадга мувофиқ.3. Бизнингча, амалиётда аудит натижаларини расмийлаштириш чоғида аудиторлар томонидан одатда қуйидаги хатоликлар кузатилади:

маълумотномада аудиторский фамилияси, исми ва шарифи қисқартирилган мазмунда кўрсатилади;

почта манзили ўрнига текшириладиган корхонанинг аудиторский текшируви ўтказиладиган объектлари жойлашган манзили аниқ кўрсатилмайди;

бундан аввалги ўтказилган текширувлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмайди;

корхонанинг текширув учун тақдим этган ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар ёки аудиторлик далиллари мавжуд бўлмайди; аниқланган камчиликлар мазмуни, уларни пайдо бўлиш сабаблари ва аниқланган камчилик қандай қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши эканлигининг сабаблари аниқ очиб берилмайди;

текширув натижалари бўйича аудитор(аудиторлик гуруҳи раҳбари)нинг хулоса ва яқунлари тўлиқ баён этилмайди.

Аудиторлик текшируви жараёни оралиғида тузиладиган иш ҳужжатларнинг мазмуни ва шакли

аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари талаблари асосида тартибга солиниши сабабли айниқса, бу ҳолат ички стандартлар талаб даражасида ишлаб чиқилмаслиги натижасида амалиётда айрим аудиторлик ташкилотлари томонидан текширувнинг оралиқ ҳужжатлари шакли ва мазмуни талаб даражасида расмийлаштирилмаслиги оқибатида текширувларни айрим ҳолларда сифатсиз ўтказилишига олиб келмоқда. Бу эса аудиторлик текшируви босқичлари натижаларини аниқ шакл ва мазмундаги ҳужжатда акс эттириш услубиятини такомиллаштиришни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. -М.: Финансы и статистика, 2013. -560 с; Адамс Р. Основы аудита. Пер. с англ./под ред. Я.В. Соколова. – М.: ЮНИТИ, 2015.-398с.; Робертсон Дж. Аудит / Пер. с англ./Дж. Робертсон -М.: Контакт, 2004.-496 с.
2. Камышанов П.И. Практическое пособие по аудиту. -М.: ИНФРА-М. 1996.-522 с.; Терехов А.А. Аудит: перспективы развития. – М.: Финансы и статистика, 2001. -560 с; Суйц В.П., Шеремет А.Д. Аудит. Учебник. -М.: ИНФРА-М, 2009. - 456 с.
3. Дусмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиятини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент - 2008. - 35 б.; Мамтов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент -2005. - 40 б.; Кўзиев И.Н. Иқтисодийни модернизatsиялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент-2017. - 70 б.
4. Ўзбекистон республикаси 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677 сон Қонунининг 48 моддаси. <https://lex.uz>
5. Кўзиев И.Н. Иқтисодийни модернизatsиялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент-2017. - 70 б.
6. <https://www.bss.uz> интернет сайти
7. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик - Тошкент: Ўзбекистон Миллий



энциклопедияси, 2003. – 612 б.

8. Н.Ш.Хажимуратов. Молиявий ҳисобот ҳақида аудиторлик фикрини шакллантириш босқичлари ва омиллари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018 йил.

9. Додж Р. Краткое руководства по стандартам и нормам аудита. Пер. с англ.: предисловие; Робертсон Дж. Аудит / Пер. с англ./Дж. Робертсон -М.: Контакт, 2004, 496 стр.

10. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. - Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.

12. 21-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ-110-сонли қонуни билан киритилган - ЎР ҚХТ, 2007 й., 37-38-сон, 378-модда